

# SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME #1 ISSUE #5

## ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- architecture and economics;
- pedagogy, psychology, defectology

## ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚА САВОДХОНЛИГИ МАЛАКАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ

**Санокул Дўстов**

Бухоро давлат университети  
Санъатшунослик факультети Мусиқа  
таълими кафедраси профессори,  
педагогика фанлари номзоди

**Гўзал Ҳабибуллоева**

Бухоро давлат университети  
Санъатшунослик факультети Мусиқа  
таълими йўналиши З-босқич талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мусиқа санъати ҳақида бериладиган барча билим ва малакалар, жумладан, нота,nota чизиқлари, nota ёзуви, nota чўзимлари, қалит ва унинг вазифаси, товушқатор, поғоналар, ўлчовлар, мажор ва минор интервал, учтовушлик ва ҳоказоларни ўқувчиларга ўргатишнинг барча методлари мисоллар орқали баён қилинганлиги ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Нота, поғона, ўлчов, мажор, минор, идроқ, регистр, оҳанг, лад, ребус, чолғучи, яккаовоз, хор, оркестр, ансамбль.

### **DEVELOPING MUSIC LITERACY SKILLS IN STUDENTS**

**Sanokul Dustov**

Bukhara State University, Faculty of Art  
History, Professor of Music Education,  
Candidate of Pedagogical Sciences

**Guzal Habibulloeva**

Bukhara State University, Faculty of Art  
History, 3<sup>rd</sup> year student of Music  
Education

### **ABSTRACT**

This article describes all the knowledge and skills about the art of music, including notation, note lines, note writing, note stretches, key and its function, vowel, steps, measurements, major and minor interval, trinity, etc. It is said that

**Keywords:** Note, leap, measure, major, minor, perception, register, melody, fret, rebus, instrument, soloist, choir, orchestra, ensemble.

### **КИРИШ**

Мусиқа саводхонлигининг асослари узоқ ўтмиш тарихга бориб тақалади. Азалдан мусиқа таълимоти назарияси ва тарихини ўрганишга нихоятда катта аҳамият берилган Ўрта Осиёning машхур қомусий олимлари Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Дарвешали Чангий, Нажмиддин Кавқабий Бухорий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб донишмандлар барча

фанлар катори мусика таълими назарияси ва тарихи масалаларини тадқик этишишган ва улкан хизмат юлишишган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲДИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дарс жараённада ўкувчиларга мусика санъати ҳақида бериладиган барча билим ва малакалар мусика саводхонлиги доирасига киради. Унга мусиканинг ўзига хос хусусиятлари, санъат сифатида ҳаётнинг акс эттирилиши, ифода воситалари (тил, нутқ) жаңр турлари, тузилиши, ижро услублари, ижро турлари, чолгу асбоблари таснифи ва бошқалар киради. Шунингдек,nota, nota чизиклари, nota ёзуви, ноталарнинг бўлининиши, калит ва унинг турлари, вазифаси, товушлар чўзими ва уларнинг nota билан ёзилиши, мусикавий тизим, товушқатор, погоналар, ўлчовлар, мажор ва минор ладлари, интерваллар, учтовушлик ва хокказолар хам мусикий саводхонликка киради.

Мусика саводхонлиги дарсда мустакил фаолият тури сифатида амал қилмай, бошка фаолият турлари жараённада яъни мусика асарларини бадиий ўрганиш ва ижро этиш жараёнларини саводхонлик асосида бажариш учун ёрдам беради. Бу ўкувчиларнинг мусика саводхонлигини шаклдантиради ва уларнинг билим доирасини тобора кенгайтириб, чукурлаштириб боради. Натижада, янги асарни ўрганиш жараённада билиб олинган ҳар бир янги тушунча ва атамалар кейинги дарсларда доимий равишда қўлланилиб борилиши назарда тутилади. Шундай килиб, мусика саводи дарснинг қўйидаги таълимий функциясини бажаради;

- мусика идрокини ривожлантириш ва асарлардан эстетик завкланиш воситасида бадиий образли хотирани ўстириш;
- меҳнатта,, табиатта, йил фаслларига, она Ватанга багишлиланган меҳнатта асарлар воситасида илмий дунё қарашни таркиб топтириш.

Мазкур мақсадларга эришиш учун ўқитувчи оддига қўйидаги вазифалар кўйилади:

- мусика санъатига ҳавас уйғотиши,
- мусика тинглаш ва амалий машгулотларга қизиқтириш, воситасига болаларда мусикавий, бадиий эҳтиёжни кучайтириш;
- идрок этилажак асардан ўкувчиларга мусикавий бадиий таассурот уйғотиши.

Дарсда ўкувчиларнинг мусика саводхонлигини ошириб бориш учун эса,

- а) асарларни сухбат йўли билан оддий мусикавий, педагогик таҳдил қилиш;
- б) мусика асарларида учрайдиган ифода воситалари ва атамаларнинг моҳиятини билиш ва уларни доимо мусика амалиётида қўллай бориш;
- в) асарнинг оддий тузилиши ва унинг ифода воситаларини англай олиш ҳамда нотага қараб ритмик тузилмаларни чапак чалиш билан йўли куйлашга ўргатиши;

г) мусика ижодкорлари, ижрочилари ҳамда чолгу асбоблари ҳакида маълумотлар бериб бориш.

## МУҲОКАМА

Мусика саводининг асосий мазмуни ва педагогик обьекти чорак мавзулари бўлиб уларни ёритиш учун куйлаш ва тинглашга доир танланган асарлардир. Улар ўкувчиларнинг кундалик мусикий ҳаётидан олаётган таассуротлари ва мусикавий тажрибалари асосида ўрганилиши лозим.

Биринчи синфда ўкувчиларга мусика асари ҳакида билимларни беришда: Улар диккатига мусиканинг ифода восилари куй, регистр, темп, ритм, динамик белги ва бошқаларга жалб этилади. Дастрлаб бу атамаларнинг айнан коидасини таърифлаб, дарсда ўкувчи куйланган кўшик мусикасида маълум мазмун ёки хиссиёт, яъни қувноклик, хушчақчаклик, тантанаворлик, ўйнокилик, кўтаринкилик, мунглилик ва хоказолар борлиги, шунингдек куй харакати турғун бўлмай, балки юкори ва пастта караб йўналиб туриши (регистр характери) аникланади. Шундан сўнг, куй мусикий товушлардан тузилган бўлиб, улар узун ва киска мусикий товушларнинг юкори ва пастта караб йўналишидан куй ҳосил бўлиши тушунтирилади. Ўкувчилар куйнинг плакатда ёзилган ёки доскада чизилган график харакати орқали ҳамда унинг узун-киска товушларини нота карточкаларига караб куйлаши натижасида пухта билимга эга бўладилар. Бу асосан иутқ товушлари-харфлар ифодаланган карточкалардан фойдаланиш тажрибасига асосланади. Карточкадаги ноталарни чапакда чалиш ёки болалар чолгу асбобларида ижро этиб, куйларга ритмик жўр бўлиш ва мусикага мос харакатлар билан қадам ташлаш кабилар эса унинг амалий ифодасини кўрсатиб беради.

Регистр ва ритм хис-туйғуларини ривожлантиришда график (узун, киска) чизикчалар воситасида куйнинг схемали ифодалаш ва унга караб куйлаш, чапак чалиб ритмик жўр бўлиш муҳимдир. Мусика характерини хис этишда энг муҳими “лад” тушунчасидир.

Биринчи синфда мажор ва минор ладлари асосан болаларга тушунарли бўлсин учун: ёркин, бардам, хушчақчак, тантанавор характердаги куйлар (мажор), юмшок, мунгли, майин, ёқимли бўлиб айтиладиган кўшиклар (минор) каби нисбий сўзлар билан ифодаланади. Лад аҳамиятини факаттина амалий жихатдан англаш мақсадида ўрганиладиган кўшикларнинг учтовушлиги ва куйнинг лади узгартирилса, болалар, “оҳаңг” бузилганлигини айтадилар. Натижада бу услуб кейинги синфларда ўз самарасини беради ва ўкувчи лад мусиканинг муҳим ифода воситаси эканлигини билиб оладилар.

Кўшиқни ўрганиш ва қўшиқни ижро этиш қоидаларига мос мусиқий харакатлар танлаш, айниқса, асарни жанри, характеристи, ижрочилари (чолғучи, яккаовоз, чолғу ансамбли, хор, оркестр), чолғу асбоблари турлари билан танишиш каби қатор билимлар ҳам мусиқа саводи туркумига киради.

Кейинги синфларда мазкур билимлар тушунчасидан аста-секин аниқ тушунча яъни машқ ва қўшиқларни нота ёзуви тизимида ўрганишга ҳамда асарлар таҳлилида керакли атамаларни ишлатишга ўтилади. Дарсда нота белгиларини ўрганишни ривожлантиришда ребуслардан фойдаланиш катта самара беради. Айрим маълумотларни, масалан, баланд, ўрта, паст товуш (регистр) ларни тушунтиришда, айқнинг карнай чалаётганда ундан чиқадиган паст овози, дарахт шохидаги қушчанинг сурнай чалишидан чиқадиган баланд товуши ёки одам овозининг ўрта регистрга тўғри келиши кўргазмали қуроллар орқали кўрсатилса, ёки ўрганилган қўшиқнинг нота белгиларига тўғри келадиган суръатларни жойлаштириш ҳамда уларни пастга ва баландга йўналтириш орқали ноталарнинг баланд-пастлиги, узун-қисқалиги ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади . Масалан: “Олма қўшиғи” нинг фа-фа ноталари ўрнига тўғри келадиган 2 та олма расми фа товуши баландигида жойлаштирилади. Ундан кейинги ми-ми ноталарига тўғри келадиган иккита олма расми сал пастроқда (ми нотаси ўрнида ) жойлаштирилади. Худди шундай ре-ре ноталарига мос келадиган 2 та олма расми янада пастроқ до жойлаштирилади. Натижада фа товушидан пастга томон до нотасигача пастлашиб келадиган товушларга хос олмалар расмининг жойлаштирилиши, қўшиқнинг ноталарини тезроқ ўрганиб олишга имкон яратади. Мусиқа саводи бўйича маълумотларни ўзлаштириб олиш учун расмлардан ташқари бошқа хил методлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда, ўқитувчининг топқирлиги, ижодкорлиги, изланувчанлиги катта роль ўйнайди. Шундай қилиб, ўқувчи биринчи синфда мусиқанинг характеристи ва образи орқали унинг оддий қонуниятлари ҳақида умумлашган билим ва нисбий тушунчаларига эга бўладилар-ки, бу шартли равишда нотагача бўлган давр деб аталади.

## НАТИЖА

Мусиқа саводи дарснинг барча босқичларига тааллукли эканлигини инобатга олиб, бошқа мусиқий фаолиятларга ҳам тўхталиб ўтамиш.

Мусиқа саводини ўрганиш биринчи синфдан бошланади. Баъзи ўқувчилар мактабгача тарбия даврида боғчага қатнаб, боғчада олиб бориладиган мусиқа машғулотларида қатнашиб анчагина мусиқавий малакалар ҳосил қилган бўладилар. Бир қанча қўшиқ ва ўйинларни ўрганиб, ритм ва рақс характеристлари билан танишган бўладилар.

Уйда тарбияланадиган болалар ҳам муайян мусикавий тасаввурга эга бўладилар, радио ва телевидения орқали эшитириладиган мусикий кўрсатувларни кўриб бир қанча мусика асарлари билан танишган бўладилар. Гарчи ана шу билимлар тасодифий ва бир тизимга солинмаган бўлса-да, аммо ўқитувчи болаларга мусиқадан назарий тушунчалар хосил қилинча ўкувчиларнинг ўша билимига суюниб маълум даражада иш кўриши мумкин.

Ўкувчилар мустакил қўшиқ куйлай оладиган ва нотаниш куйларни нотага караб куйлашни ўрганиб олгандан кейингина мусика саводини ўрганишдан кўзланадиган мақсадга эришилган бўлади. Мусика саводини ўрганиш ўкувчиларнинг мусика товушларини эшитиш сезгиларининг ўсишига асосланиши керак. Ўкувчи товушни овози билан куйлашидан олдин унинг қандай янграшини аник-равshan тасаввур килиши ва эшитиб олиши, яъни кўраяпман-эшитаяпман-куйлаяпман деб, кўзга кўринадиган нарсадан эшитирадиган нарсага караб бориши лозим. Жамоа бўлиб қўшиқ куйлашда ҳам, мусика саводини ўргатиш жараёнида ҳам, эшитиш қобилияти, метр-ритм сезгиси тараққий этади.

Адабиётда ҳарфлар ва сўзлар воситаси ёзилган бирор бадиий асарни саводсиз киши мустакил ўқиб ундан баҳра ололмагани сингари мусиқада ҳам ноталарни ўқиш саводи бўлмаса мустакил тарзда куй ёки қўшикни ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун биринчи синфдан бошлаб маълум тизим асосида мусика саводхонлиги шакллантириб борилса, ўкувчилар нота белгиларига караб мустакил тарзда оҳангни билиб олишларига эришиш мумкин.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, бошлангич синф ўкувчиларида мусика саводхонлиги малакаларини шакллантириш мухим педагогик муаммолардан биридир. Албатта, ҳар бир фан аввало унинг назарий асослари орқали ўзлаштирилади. Мусика саводхонлигисиз ушбу санъат тури, унинг маданиятидан баҳраманд бўлиш, санъат асарларига етарли баҳо бера олиш мумкин змас. Зоро, мусика санъати унинг қудратли имкониятлари энг аввало тингловчидан саводхонликни талаб этади.

## REFERENCES

1. Шарипова Г.М. Мусика ўқитиши методикаси. Ўкув қўлланма. Т., -2008
2. Шарипова Г.М. Бошлангич синflарда мусика маданияти дарслари учун методик кўлланма Т., -2001
3. Нурматов X, Норхўжаев Н. Мусика алифбоси. Т., "Ўқитувчи"-1998
4. Нурматов X ва бошқалар. Мусика 2-синф учун дарслик F.Фулом номидаги нашриёт матбао ижодий уйи Т., -2003.

5. Нурматов X ва бошқалар. Мусика 3-синф учун дарслик F.Гулом номидаги нашриёт-матбао ижодий уйи. Т.,-2003
6. Иброҳимов О. Ва бошқалар. Мусика 4-синф учун дарслик F.Гулом номидаги нашриёт-матбао ижодий уйи. Т.,-2003.
7. Дустов, С. (2021). ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ НАРОДНЫХ ПЕСЕН. *Проблемы науки*, 40.
8. Дустов, С. Д. (2020). ВЛИЯНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ НА МУЗЫКАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ. *Academy*, (11 (62)).
9. Мадримов, Б. Х., & Дустов, С. Д. (2018). Древнее искусство" Шашмакома" Бухары в системе музыкального образования студентов. In *Современное музыкальное образование: традиции и инновации* (pp. 104-106).
10. Madrimov, B. K. (2021). Professional Training Is An Incentive For Moral And Aesthetic Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 109-113.
11. Khudoinazarovich, M. B. (2021). AESTHETIC EDUCATION OF SCHOOLCHILDREN OF UZBEK MUSIC AND FOLK SONGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 1(01), 62-65.
12. Norova, S. U. (2021). Imam Abu Hamid Al-Ghazali. Teacher-Student Coaching Relations. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 441-445.
13. Норова, Ш. У. (2020). Повышение профессиональной компетентности путем подготовки молодежи к хоровой деятельности. *Наука, техника и образование*, (10 (74)).
14. Umirzakovna, N. S. (2021). WAYS TO IMPROVE LEARNING EFFICIENCY USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 1(01), 41-47.
15. Ruziev, D. Y. (2021). Ways Of Working On Musical Compositions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 436-440.
16. Ruziev, D. Y. (2021). THE ROLE OF THE CONDUCTOR IN ORCHESTRAL PERFORMANCE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 1(01), 66-71.
17. Ruziev, D. Y. (2021). DESIGNING THE LEARNING PROCESS FOR MUSICAL WORKS. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(ICDSIIL), 6-6.
18. Kushaev, I. A. (2020). Musical pedagogical fundamentals of doston art. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(10), 1061-1067.

19. Kushaev, I. A. (2020). MUSIC PEDAGOGICAL DOLLARS OF DOSTON ART. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(9), 6-6.
20. Kushaev, I. A. (2020). BAKHSHI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES. *Scientific reports of Bukhara State University*, 3(3), 295-299.
21. Кушаев, И. А., & Ахтамов, И. И. (2020). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТРАДИЦИОННОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКИ (НА ПРИМЕРЕ ИСКУССТВА ДАСТАНА). *Academy*, (11 (62)).
22. Yarashev, J. T. (2013). “Bukhorcha” and “Mavrigi” song classes—as a national and noetic spiritual values of the Uzbek nation. *ТРАДИЦИОННАЯ И СОВРЕМЕННАЯ КУЛЬТУРА: ИСТОРИЯ, АКТУАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ, ПЕРСПЕКТИВЫ*, 114.
23. Yarashev, J. T. (2019). Research on Bukhara music heritage through axiologic features. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(12).

FOTIMA KARIM QIZI KAMALOVA

Arxitektura va interyer maketini yasashda xom-ashyo va materiallarning o'rni (pp. 736-739)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-136.%20736-739.pdf>

ОДИНА САЛИМОВНА ТУРСУНОВА

Грамматикани ўйин шаклида ўрганишнинг афзаликлари (pp. 740-744)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-137.%20740-744.pdf>

АВАЗБЕК БОКИЖНОВИЧ КОМИЛОВ

Прокурор талабномаси – бузилган хукуқ ва конуний манфаатларни тиклашнинг самарали воситаси (pp. 745-750)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-138.%20745-750.pdf>

АБДУРАХМОН НУРИДДИНОВИЧ БЕГМАТОВ

Жиноятларни декриминализация килиш тушунчаси ва унинг моҳияти (pp. 751-757)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-139.%20751-757.pdf>

НУРБЕК ЭРКИНОВИЧ РАХМАТОВ

Значение музыкального воспитания в развитии зрелости личности (pp. 758-766)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-140.%20758-766.pdf>

OLIMXO'JA ISLOMOVICH KARIMOV

Tanbur sozining paydo bo'lishi va milliy cholg'u ijrochiligidagi o'rni (pp. 767-771)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-141.%20767-771.pdf>

DILNAVOZ O'KTAMOVNA MURATOVA

Musiqa madaniyati darslarini tashkil etishda o'qituvchining pedagogik mahorati (pp. 772-775)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-142.%20772-775.pdf>

САНОКУЛ ДЎСТОВ, ГЎЗАЛ ҲАБИБУЛЛОЕВА

Ўқувчиларда мусика саводхонлиги малакаларини таркиб топтириш (pp. 776-782)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-143.%20776-782.pdf>

SHOHIDA YUSUFOVNA YOQUBOVA, MAFTUNA VAHOBJON QIZI NURBOYEVA

Ona tili ta'limdi assotsiatsiya va kognitiv-pragmatik yondashuvning o'rni (pp. 783-787)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/5-144.%20783-787.pdf>